



Характер

1991 йил 1 январдан чиңа бошлаган

www.xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2017 йил 22 сентябрь, № 191 (6885)

Жума

Ўзбекистон – халажаги шуюк давлат

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз оркали сканер килинг

Фракцияларда долзарб қонун лойиҳалари кўриб чиқилди

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчиллик палатасида сиёсий партиялар фракцияларининг йигилишлари бўлиб ўтди. Уларда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётига оид бир қатор долзарб қонун лойиҳалари депутатлар томонидан дастлабки тарзда кўриб чиқилди. Қизғин баҳс-мунозараларда муҳокама этилган масалалар юзасидан аниқ таклифлар илгари сурилди.

ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

Чунончи, Тадбиркорлар ва ишбилиар-монлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг парламент кўйи палатасидаги фракцияси йигилишида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар кириши тўғрисида”ги қонун лойиҳаси атрофлича муҳокама қилинди.

Ушбу қонун лойиҳасига биноан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 211-моддаси ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 27-моддасига ўзгартишлар киритиш назарда тутилмоқда.

Таъкидланганидек, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши, энг аввало, хусусий мулк кафолатларини таъминлаш ҳамда унинг муҳофазасини кучайтириш, шунингдек, жиноят иштирокчиси бўлмаган шахслар нинг жиноят содир этишда фойдаланилган мол-мulkини мусодара қилишнинг олдини олиш ва фуқароларнинг мулк ҳуқуқини тўлақонли ҳимоя этишни таъминлашга хизмат қиласди.

Ислом дини бизни эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг БМТ
Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи
нафақат юртдошларимиз, балки бутун
мусулмон олами, жаҳон ҳамжамиятида катта
кизикиш йўғотмокда.

МУНОСАБАТ

Давлатимиз раҳбари дол-зарб минтақавий ва глобал муаммолар қаторида, ислом динининг инсонпарварлик моҳияти хусусида алоҳида фикр юритиб, жумладан, "Биз муқаддас динимизни азалий қадриятларимиз мұжассамининг ифодаси си-фатида беҳад қадрлаймиз. Биз муқаддас динимизни зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга қўйдиганларни қатъий қоралаймиз ва улар билан хеч қачон муро-са кила олмаймиз. Ислом дини бизни эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади", деган сўзлари бутун ислом умма-ти, ислом жамоатчилигининг айни дилидаги гап бўлди. Чунки бугунги кунда дунё миқёсида ислом динининг моҳиятини тушунмасдан, билмасдан унга нисбатан

Жаҳон жамоатчилиги Ўзбекистонда кечәётган ўзгаришларни юксак баҳоламокда

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бош Ассамблеясининг 72-сессиясидағи нутқи халқаро ҳамжамият, эксперт доираларнинг катта қизиқишига сабаб бўлди.

Давлатимиз раҳбари халқаро ҳамжамиятнинг энг олий минбарида туриб, республика-кимида сўнгти бир йил мобайнида амалга оширилаётган халқиц сиёсатнинг энг мухим йўналишларини сархисоб қилди, улардан кўзланган асосий мақсад-муддао юртимизда халқ ҳокимиятини номига эмас, балки амалда жорий этиш механизмишини мустаҳкамлашдан иборат эканлигини батафсил таҳлил қилиб берди.

Дарҳақиқат, бугун дунё миз томонидан олиб бори-лаётган ташки сиёсий фаолиятга, айниқса, қўшни давлатлар билан ахил, ўзаро манфаатли муносабатларни ўрнатиш сайд-харакатларига хайриҳолик билан қармоқда, десак, муболага бўлмайди. Чунки улар унун "Шавкат Мирзиёев раҳбарлигига янгиланаётган, янги қиёфаси шакллананаётган" Ўзбекистон қайси йўлдан боради, ташки сиёсатда қандай тамойил асосида иш тутгади?!" деган савол-

миз томонидан олиб бори-
лаётган ташки сиёсий фао-
лиятта, айниқса, күшни дав-
латлар билан ахил, ўзаро
манфаатли муносабатларни
ўрнатиш сайд-ҳаракатлари-
га хайриҳоҳлик билан қара-
моқда, десак, муболага
бўлмайди. Чунки улар учун
“Шавкат Мирзиёев раҳбар-
лигида янгиланаётган, янги
киёфаси шаклланаётган
Ўзбекистон қайси йўлдан
боради, ташки сиёсатда
қандай тамойил асосида
иш тулади?” деган савол-
ларга жавоб топиш жуда
муҳим. Бу бежиз эмас.

ТИБИЙ-ИЛМИЙ ЯНГИЛИКЛАР ВА ИСТИКБОЛ

“Ўзэкспомарказ” Миллий кўргазма мажмуасида ўнинчи халқаро ихтисослаштирилган
“UzMedExpo – 2017” тиббиёт кўргазмаси давом этмоқда.



Ушбу анжуман Ўзбекистон Республикаси Соглиқни саклаш вазирлиги, "Ўзфармсаноат" давлат акциядорлик концерни, "Дори-дармон" акциядорлик компанияси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги шунингдек, Ўзбекистон Республикаси-даги Чет эл фармацевтик компанияларини ваколатхоналари ва ишлаб чиқарувчилари уюшмалари кўмагида "IEG Uzbekistan" халқаро кўргазма компанияси томонидан ўтказилмоқда.

ХАЛКАРО КҮРГАЗМА

Таъкидлаш керакки, "UzMedExpo" олимпиялар ҳамда мутахассислар, тиббий мусасасалар раҳбарлари ва амалиётчи шифокорларнинг таҳриба алмасиш майдонига айланиб бормоқда. У соҳа мутахассисларини тиббий-илмий янгиликлар ҳамда ишланмалар, инновацион лойиҳалар билан ташнишириш, янги тиббий истикболларни белгилаш имконини берадётгани билан ҳам доҳида эътиборга мөдниклир.

Мурожаатлар ижроси бўйича батафсил ахборот берилди

Жорий йилнинг 5 июль куни Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг ватандошлар билан тўғридан-тўғри мулоқоти чоғида турли масалаларга оид 200 дан ортиқ мурожаатлар келиб тушиб. Улардан 39 тасига бевосита эфир вақтида жавоб берилди.

БРИФИНГ

Миллий матбуот марказида Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ҳамда Давлат персоналлаштириш маркази вакилари иштирокида бўлиб ўтган брифингдаги мурожаатлар ижроси бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида ахборот берилди.

Таъкидланганидек, Президентимиз фармойиши билан доимий фаолият юри- гурух тузилди. Унинг таркибига Ташқи ишлар, Ички ишлар, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази, Ахоли ташки меҳнат миграцияси агентлиги ҳамда Давлат божхона кўмитаси вакиллари киритилди.




ВАКИЛЛАРИМИЗНИНГ МУНОСИБ ИШТИРОКИ



Туркманистоннинг Ашхобод шаҳрида давом этгандан ёнг иншиотларда ва жанг санъатлари бўйича V Осиё ўйинларда спортчиларимиз қуонарли натижаларга эришишкоқда.

Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитесидан мазлум килишларича, мусобаканинг бешинчи куни вакилларимиз учун ҳар жиҳатдан сермаҳуз кечди. Явни спорт делегациямиз аъзолари 4 та олтин, 7 та кумуш ва 7 та бронза медални кўлга киритдилар.

Белоболи курашнинг классик йўналишидаги финал баҳсларида бир йўла етии половинимиз иштирок этиб, улардан уч нафари зафар кучди. Жумладан, Ҳусниндин Рўзиев, Обидали Маъловон хамда Шерзод Раҳимов олтин медал билан тақдирланган бўлса, Исломжон Кўлдошев, Элдор Нематов, Шаҳзода Эргашева ва Диляфуз Мамаконова иккинчи ўринни егалдади. Мазкур йўналишича, шунингдек, Одилжон Суюнов, Ҳусан Носиров, Файзулла Умматов,



Анвар ИЛЕСОВ («Хоҳон» АА) олган сурʼатлар.

Хавасхон Жўракўзиева бронза медалга сазовор бўлди.

Муайтай беллашувларида Убийния Туренязов, таъвонидан Ниёз Пўлатов шоҳсупанинг учинчи побоносидан жой олади.

Яна бир иштирорли спортчими Раҳима Йўлдошева кураш бўйича ҳам қўлуви баҳса дар туркманистонлик Ширин Кубаевани мағлуб этиб, Осиё ўйинларни галибига алланди.

Оғир атлетика мусобакалари ҳам кўлчиликда катта қизиқиш ўғотаяти. Ушбу спорт тури бўйича ҳамор-

тими Муаттар Набиевда даст кўтаришида 94 килограмм, силтаб кўтаришида 118 килограмм, умумий хисобда 212 килограмм натижага билан терма хамомизи хисобига нафшадаги кумуш медални кўшиб кўди. «Рио – 2016» ўйинлари иштирокчиси Достон Екобов эса даст кўтаришида 139 килограмм, силтаб кўтаришида 177 килограмм, жами 316 килограмм тоши ўзига бўйсундириб, иккинчи ўринни банд эти.

Енгиз атлетикачимиз Елена Смолянова ядрони 15,60 метрга улоқтириб, кумуш медалга, Марат Хайдаров эса кўп кураш беллашувларида бронза медалда эта чиҳди.

Кеча яна бир канча спорт турлари бўйича юртошларимиз музвафакиятга эришиди.

Демак, 21 сентябрь куни Тошкент вакти билан соат 20:00 ҳолатига кўра, Ўзбекистон спорт делегацияси 8 та олтин, 16 та кумуш ва 36 та бронза, жами 60 та медаль жамгарди.

Шавкат ОРТИКОВ.

МАЪРИФАТ ЧАРОФБОНИ

Шоқир муаллимининг меҳнат дафтарчасида факат битта ёзув мавжуд. Яни 1969 йилда Ҳоразм вилоятининг Богоғ туманидаги 1-умумтамли мактабига тарих фани ўқитувчиси сифатида ишга кабул килинганини тўғрисида. Негаки, у бутун меҳнат фаолиятини ушбу таълим маскани билан боғлаган.

Бу даргоҳга меҳри бўлакча.



1 ОКТЯБРЬ – ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

Мана, ўкув йилининг биринчи дарс соати бошланishi олдидан устоз яна ҳаяконда... Бутун фаолияти давомиди ўтказган дарс машрутлари давомийлигини хисобласа, 50 минг дақиқадан ошиб кетади. Муаллимида дарс мавзуларидан тортиб, тарихий саналаргача ёд бўлиб кетган. Шунга қарамай, ҳар гап машрутота пухта тайъерлар кўради. Ўқувчиларни Ватанимиз тарихи саҳифалари билан ошно этиш баробарида, дунёда рўй берейтган воқеилилардан ҳам хабардор қиласди. Бу – унинг учун олтин қоида.

Шаҳарчамизда Шоқир муаллим сабогини олмаган инсонни кам учратасиз, – дейди «Махалла» хайрия жамоат фонди Богот тумани бўлинмаси раиси Эркин Рузматов. – У киши масъулитнинг чуқур хисоби этади. Дарсанни узундан-узоқ зерикарила маъруза билан эмас, балки ҳайтий мисоллар, тарихий воқеалар асосида қизиқарли килиб ўтадилар. Шунинг учун ҳам ёшлар устоз сабогини зур иштиёқ билан тинглайди. Ушбу мактабнинг республикада энг номдор таълим масканларидан бирига алланишида Шоқир аканинг хизматлари бекиёс.

Салкам ярим аср бир даргоҳда меҳнат қўлларни бисс таълим масканинг унга ўз ўйидек кадрдан бўлиб колган. Айни пайтда 1167 нафар ўқувчи гояллари садоқат руҳида тарбиялашдаги кўп йиллик самарали хизматлари ҳамда жамоат ишларидаги фоал иштироқи учун Шоқир Раззоков «Мехнат шуҳрат» ордени билан мукофотланди. Ушбу аввалор ё даражали, мамлакатимиз мустақилигининг 20 ва 25 йиллиги муносабати билан таъсис этилган эсадали нишонлари ҳамда «Халқ таълими аълочлиси» кўкрак нишон билан ҳам тақдирланди.

«Хушабарнинг қаноти бор», дегандаридек, бу янгилек бир зумда ёйиди. Ҳатто ундан ихтимойи тармоклар орқали ҳабар топган шоғирлар олис ҳудудлардан турб устозини табриклиш учун кўнгироқ қўлдилар. Бир гурухи эса даста-даста гуллар билан қадрдан муаллиминарни кутлаш учун жонажон мактаблари томони ошиклилар. Бундай меҳр, эътибор ҳар қандай инсонни руҳлантиради, касбига бўлган мұхаббатини ортириб, янги марралар сари чорлайди.

**Одилбек ОДАМБОЕВ,
«Халқ сўзи» мұхбири.**

СИНХРОН СУЗИШ

Пойтахтимизда синхрон сузиши ўйинлари шоғирдларни ўтказди.

ЯНА БИР НУФУЗЛИ МУСОБАКА

Турнир Ўзбекистон Республикаси Жысмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Миллий олимпия кўмитаси ҳамда мамлакатимиз сиёси федерацияси ҳамкорлигига ташкил этилди. Ўнда вакилларимиздан ташкири, Германия, Беларусь, Испания, Филиппин, Украина ва Япония қаби давлатлардан келган спортчилар соло, дутт ҳамда гурӯҳ йўналишларидан сорвонни ўрнинлар унбон беллашувларида бронза медалда эта чиҳди.

Юртимизда сув спорти бўйича ийрик турнирларни юқори савида ўтказиши учун зарур маддий-техника базаси яратилган. Бугун музлису мутахассислар яқинларнинг сув спорти турлари бўйича IX Осиё чемпионати мисолидаги ишон хосил қилиши.

Енгиз атлетикачимиз Елена Смолянова ядрони 15,60 метрга улоқтириб, кумуш медалга, Марат Хайдаров эса кўп кураш беллашувларида бронза медалда эта чиҳди.

Шавкат ОРТИКОВ.

Фазлииддин АБИЛОВ.

ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

2018 йил учун олий ўкув юртидан кейинги таълим институтига куйидаги ихтисосликлар бўйича қабул ғибадати.

ТАЙИНЧ ДОКТОРАНТУРА

(ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун)

- 02.00.06 — Юқори молекуляр бирикмалар.
- 02.00.09 — Товарларни кимёвий таркиби асосида синфлаш ва сертификатлаш.
- 02.00.13 — Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси.
- 02.00.14 — Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси.
- 02.00.17 — Қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш, саклаш ҳамда қайта ишлаш технологиялари ва биотехнологияси.

Талабгор тақдим қиласди.

- ариза;
- қисқача биографик маълумотнома (объективик);
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлётган талабгорлар учун);
- олий маълумот, фан номзоди ёхуд фалсафа доктори (PhD) ёки хорижий давлатларда унга тенглаштирилган илмий даражага эга бўлганлиги дипломи нусхаси;
- нашр этилган илмий ишлар рўйхати (камидаги битта мақола ва иккита тезис) ва уларнинг нусхалари;
- илмий консультантнинг ёзма розилиги;
- паспорт нусхаси;
- 3x4 см. ҳажмда 6 та фотосурат.

Тайянч докторантурада ўқиш учун талабгорлар ихтисослик ва чет тили бўйича кириш имтиҳонларини топширадилар.

ДОКТОРАНТУРА

(ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун)

- 02.00.06 — Юқори молекуляр бирикмалар.

Талабгор тақдим қиласди.

- ариза;
- қисқача биографик маълумотнома (объективик);
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлётган талабгорлар учун);
- олий маълумот, фан номзоди ёхуд фалсафа доктори (PhD) ёки хорижий давлатларда унга тенглаштирилган илмий даражага эга бўлганлиги дипломи нусхаси;
- тадқиқот мавзуси бўйича илмий маъруза ва фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланадилар докторантурада диссертасияни режасининг мифассал лойиҳаси;
- нашр этилган илмий ишлар рўйхати (камидаги 3 та мақола ҳамда 2 та тезис) ва уларнинг нусхалари;
- паспорт нусхаси;
- 3x4 см. ҳажмда 6 та фотосурат.

Докторантурада ўқиш учун кирайтган талабгорлар ихтисослик бўйича сухбатдан ўтадилар.

МУСТАКАИЛ ИЗЛАНУВЧИЛИК

(ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиш учун)

- 02.00.05 — Целлюлоза ва цеплюлоза-қозош ишлаб чиқариш кимёси ва технологияси.
- 02.00.06 — Юқори молекуляр бирикмалар.
- 02.00.08 — Нефть ва газ кимёси ва технологияси.
- 02.00.09 — Товарларни кимёвий таркиби асосида синфлаш ва сертификатлаш.
- 02.00.13 — Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси.
- 02.00.14 — Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси.
- 02.00.15 — Силикат ва кийин эрийдиган нометалл материаллар технологияси.
- 02.00.16 — Кимё технологияси ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш, саклаш ҳамда қайта ишлаш технологиялари ва биотехнологияси.

Талабгор тақдим қиласди.

- ариза;
- қисқача биографик маълумотнома (объективик);
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлётган талабгорлар учун);
- фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун мустақил изланувчи сифатида расмийлаштиришга магистрлик ёки олий маълумот (мутахассислик дастури бўйича) тўғрисидаги дипломи нусхаси;
- фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун мустақил изланувчи сифатида расмийлаштиришга фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) дипломи ёхуд хорижда олинган унга тенглаштирилган бошқа илмий даражага эга бўлганлиги тўғрисидаги дипломи нусхаси;
- нашр этилган илмий ишлар рўйхати ва уларнинг нусхалари;
- иш жойидан тавсифнома;
- паспорт нусхаси;
- 3x4 см. ҳажмда 6 та фотосурат.

Мустақил изланувчилик талабгорларни танлаб олиш 2017 йил 30 ноябргача бўлган муддатда ихтисослик бўйича сухбат натижаларни қабул килинади.

ХУЖЖАТЛАР 2017 ЙИЛ 15 СЕНТЯБРДАН 15 ОКТЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Кириш имтиҳонлари жорий йил 1 – 25 ноябрь кунлари бўлиб ўтади.

Кўшимчама маълумотларни (0-371) 244-39-81 телефони орқали олиш мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 32-йи, Тошкент кимё-технология институти, Юқори малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш бўлими.

1222A429

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Конунчиллик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси